

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

240 Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларининг 12-бандига ўзгартиш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
15 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2219-3*

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги ЎРҚ–352-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 3 мартдаги 45-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида («Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги ЎРҚ–352-сон Қонуни)»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2011 йил 22 февралдаги 1-ю-сон буйруғи билан тасдиқланган Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларининг (рўйхат рақами 2219, 2011 йил 18 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 16-сон, 167-модда) 12-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан тасдиқланадиган техник шартларга» деган сўзлар «стандартлаштириш-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

240-241-моддалар

— 160 —

20 (624)-сон

га доир норматив хужжатлар талабларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Алоқа, ахборотлаштириш ва
телекоммуникация технологиялари
давлат қўмитаси раиси**

Х. МИРЗАХИДОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 8 май,
82-мх-сон

Келишилди:

*Хусусийлаштириш, монополиядан
чиқариш ва рақобатни
ривожлантириш давлат
қўмитаси раиси*

А. АБДУҲАКИМОВ

2014 йил 8 май